

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 йил чиқинчи

№ 155 (3893).

9

АВГУСТ

ЖУМА

1968 йил

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНА ТЕРИМИ — ИШНИНГ УНУМИ

Ленин ордени «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари терим мавсумини тухта тайёргарлик билан кутиб олиш тараддудини кўрмоқдалар.

Шонли беш йиллиқнинг учинчи йилида 2-бўлим она-Ватанга 1105 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 30 ўринга 34 центнердан «оқ олтин» топишириш учун курашапти.

Бу йил ҳосилнинг деярли ҳаммаси «зангори кема»ларда териб олинади. Бўлим раҳбарлари ва механизаторлар бунинг учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Совхоздаги мавжуд

150 га яқин терим агрегатининг 2-бўлимга қарашли 35 таси ремонтдан сифатли чиқарилди ва теримга шай қилиб қўйилди.

Пахтакорлар барча майдонлардаги ғўзаларни механизаторларимизда чеканка қилиб бўлдилар.


Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 5 центнерга оширамай — дейди ағени бошлиғи Мансур Ғармонов. — ҳосил таннарини арзонлаштиришда янги муваффақиятларга эришмоқчимиз. Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозини пахтакорларининг ташаббусига қўшилиб, ҳосилнинг ҳаммасини «зангори

кема»да ўзим териб оламан ва бункердан 180 тонна пахта туқмоқчиман.

Баҳават ҳосил шохларидати тул ва қўсақлар бўлиб меҳнаткашлари олган социалистик мажбуриятнинг баъжарилшидан дарах бериб турибди.

Бўлимда терим мавсумига тайерланиш, барча майдонларни машина теримига мослаш, йўллари ремонт қилиш ишлари яхши олиб боришда. Мансур Ғармоновнинг мусобақадорли Тўйчи Валиев ҳам 180 тонна «оқ олтин»ни машинада теришга аҳд қилди.

Б. ЯҒДОШЕВ.



Оқдўрон районидаги «Ленинград» колхозида ғўзаларни кечаю-кундуз қондириб сугоришга алоҳида эътибор берилмоқда. Суратда: ишчан сувчилардан А. Содиқов ғўзаларга сув таратишти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕЙДИ «ЗАРБДОР ОЙ»

«Правда Востока» газетаси август ойини ҳосилга-ҳосил қўшишда муҳим ва ҳал қилувчи давр ҳисоблаб, республикадаги барча пахтакорларини шу ойда ғўза парварчилигини қизғин давом эттиришга чақирувчи махсус бўлим очди. Бу бўлимда ишдаги ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилмаган камчиллар ҳам кўрсатилмоқда.

«Тошкент Ҳақиқати» газетаси ҳам бу ташаббусга қўшилиб, бугунги сондан бошлаб «ЗАРБДОР ОЙ» рубрикаси остида пахтакорлар, механизаторларнинг ишини баён этувчи ижобий ва танқидий материаллар бериб боради.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда сусткашлик. ИЛГОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛЕНГ. «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҲИММАТИ.

МҮЛ ҲОСИЛ ИШҚИДА

Механизатор Сафар Худойбергенов Оқдўрондаги «Ленинград» колхозининг энг пешқадам пахтакорларидан биридир. Айниқса юбилей йилидаги зарфларни қувонч билан бўлиб, 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,6 центнердан «оқ олтин» ийиб-териб олинди. Янги ҳосилнинг 85 процентидан кўпгори «зангори кема»ларнинг бункерларидан тўйнади.

Звенонинг олий ҳиммати деҳқонлари бу йил уларининг серхоси ерларини ташлаб, кам ҳосил ерларга ўтиб ишлаш истатини билдиришди. Колхоз раҳбарлиси ва партия ташкилотини уларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ҳозир ағени ағзалари мавжуд 59 гектар майдондаги ғўзаларни кўригилдилик парварши қилинаёпти. Тўпланиётган ҳосил нишончалари чакни эмас. Пахтакорлар тарғибу ерлардан илгари кам ҳосил олиб келган бўлсаларда, бу йил ҳамда 37 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган.

Ҳосил тўпланиш Ҳ. Маҳмадов, А. Содиқов, Т. Жуманов сингари ўртоқлар самарали меҳнат қилишмоқда. Ғўза тўпланишда кўсақларнинг сови тобора кўпайишти.

Шу районидаги Оқдўронде номли колхознинг ўртоқ Т. Турдиев бошлиқ звеноси ағзаларини ҳам ташаббускорлар десак арийдим. Улар ҳосилдорлигини кескин оширишга аҳд қилишган. Пландаги 23 центнер ўринга 35 центнердан хирмон кўтариш — уларнинг бирдан бир мақсади. Звено бошлиғининг ўзи ҳозиргача қатор ораларига ўрт марта комплекс ишлов берди. Сугориш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Звенода ҳозирдан машина теримига ҳар тарафлама тараддуд қўриляпти.

Х. МАМАТОВ,
Х. САДИНХОУНОВ.

БЎШАШУВЧИЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

ЯНГИЙЎЛДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тухтин пайт эди. Катта ариқ ёнидаги ишчан безатилган дала ийиқини кишилар билан гавжум. Механизатор йигитлар, сувчи ота-хонлар ариқ ёнидаги сўрида ёнбошлаб ҳузуру қилиб дам олишарди. Шийонининг пахтазорга қаратилган айвонидан ўтирган қиз-ювларнинг қаҳ-қаҳсин радиода берилмаган ашулага қўшилиб кенг пахтазорга тараларди.

Шу пайт велосипед минган бир киши келиб қолди. У колхознинг касирари экан. Меҳнат ҳақларига пул таратгани бу ерга келибди. Нишопон, Анорйон, Ҳолуби киби илгор ағзалар бунинчи бўлиб ведомостга имзо ченишди. Кейин сувчилар пул олдилар.

Тухтин оқват тутайди. Дам олиб, меҳнат ҳақиқа пул олган кишилар бунин-кетин пахтазор томон йўл олди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Нормирза ота Эшон бошлиқ бригада ағзалари августнинг ҳар бир кундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Учинчи чопи ва қўшувчиларнинг чиқарилган майдонлар ғўзаси чеканка қилиб бўлибди. Комплекс механизациялашган ағени бошлиқлари оса ғўзаларини туртинчи қўшувчилар қилиб, навобатдаги сувга ариқ олишарди. Булар кетидан сувчилар келишарди. Улар қаторларга режаси билан сув таратишарди.

Биз бригада ағзалари етишти-раётган ғўзалардаги кўсақларни санайди. Тўрт-бештадан бўлиб кўсақлар тўпланибди. Айниқса чеканкадан кейин кўндалардаги ҳосил тугунчалари кўпайиб, соат сайин эт олиб «оқ олтин» тола-ларини кўпайтиришти.

— Бу кўсақлар билан — кўндаланиб қолмаймиз. — дейди брига-да бошлиғи. — Агар ҳозирги кўсақларни ҳисобласак, ҳар гектар ерда етиштирилган ҳосил 20 цент-нерни ташкил қилади. Албатта бу нам. Августда буларнинг соини 7—8 тага етказамиз. Ана шундангина мажбуриятни қоплайдиган

миқдорда ҳосил тўпланди, деб айтга оламиз.

Пахтакорлар масалаҳатлашиб, оининг қолган кунлари ичда ғўзани намда бир ярим марта парварши қилишга бел боғлашбди. Сувчилар кеча ва кундуз ички сменалда иш олиб борапти. 20 гектар ердан паст, ҳосили кам ғўзаларни икки марта томплекс ишловдан чиқариш режалари тузилган. Ҳамма нарталардаги бегона ўтлар қилиб, ғўза қаторлари юмшатилади. Ғўзани ораб турган яхши. Шамол яхши юр-ишди, кўсақлар тез етилади.

Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қил-ган Ямин ота Рихсонбоев. Шерма-Ташматов, Анорйон, Ғўзларнинг бригадаларда ҳам иш қиз-тин кетаяпти. Ҳосилга ҳосил қў-шилмоқда. Ғўзанинг товлотиб-юбормаслик, сувдан турғи фойдал-ланиш чоралари амалга ошири-ляпти. Улар «Самарканд» совхоз-и пахтакорларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб мажбуриятдаги-на нисбатан 2-3 центнердан кўп ҳосил тўплаш йўлида астойдил меҳнат қилишарди. Колхозининг сентябрь ойи ичда 5700 тонна «оқ олтин» топишарди. демақда-лар. Колхозда кўп ишлаган кўп ҳақ олапти. Топширини қўйиб қилиб ўзига биринчилик участка-лардаги ғўзаларни серхос ва сер-қўсақ бўлишга эътибор бераёт-

қўшатишмоқчимисизлар деб, ҳақ-қоний таниқ қилишди.

Бригада бошлиғи шолғомдек қи-зарбо ерга қарайди. Кейин хато-минини тузатамиз, деб ваъда ҳам беради. Бу воқеа содир бўл-гандан бери анча вақт ўтди. Ленин аҳвол ўзгармади. 1 августда кол-хоз партия комитетида бригада бошлиғининг ҳисоби эшитилди. Унда ҳам Саидкаримов талабча-лиқини бўшаптириб қўйибман, му-ддат беришарди, тузатаман деб бў-рагига уриб галирди.

Мана шундан бери бир неча кун ўтди. Аҳвол ҳаёлон эсимча, Мели-вой Қўчқоров, Ҳолмамет Турсун-боев киби сувчилар ҳўжа кўрсат-гилга кетмон кўтариб юришбди. Сугориш агротехника қондаларига кўп қўйилмапти. Қаторларга сув тулроқча яхши сингмайпти. Бости-рининг сугорилган майдонларда эса қатқалоқ пайдо бўлиб, ғўза томи-лари сиқилиб қолмоқда. Саидкари-мов ўзбосиқчилик қилиб звено усулида ишлашга эътибор бермай қўлди. Колхозчиларга биринчилик майдонлар эиндаги ҳашир усу-лида ишлашмоқда. Бу эса илгинг сифатсиз бўлишга олиб келди.

Ҳосил тўпланиш ойда қатор ора-лариди ишлашни бир кун ҳам бў-шаптирмаслигини керак. Ваъ-далар нам бўлсин, кўпроқ амалий иш қилайлик, ҳар туп ғўзада ба-ранали, мажбуриятга яраша ҳосил тўплайлик.

Янгийўл район газетаси ва «Тошкент ҳақиқати» нинг рейди.



«Узхлопкомаш» заводи коллективи пахта тозалаш санаети учун қўллаб агрегатлар ишлаб чиқар-моқда. Суратда: механика цехининг илгор тоқари Т. Игумов иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

БАХТНИ МЕХНАТДАН ТОПДИ

Инсон ўз бахтини ўзи ярат-ди. Унинг истиқболи ҳалол меҳнатга боғлиқ.

Тошкентдаги қўн-мўйна за-води даргоҳида 18 йил муқад-дам қадам қўйган Муборак ҳам бахтини ҳалол меҳнатдан то-пди.

У корхонанинг наमत цехида оддийгина шогирд эди. Даст-лабки кунлардаюқ цех ишлаб чиқараётган махсулотларни пухта ўрганишга ийтилди. Муборак ўзи билан ёнма-ён иш-лаётган дугоналарига ҳавас қилар эди. Улардан тинмай ўрганди. Устоз Аҳмад ота

Толибоннинг ҳар бир сўзини гавҳар деб билди, масалаҳатла-ри қалбиди бир умр ўчмас бў-либ қолди. Қўн ва чидам бил-лан ўрганиш, тинимсиз меҳнат ўз самарасини кўрсатди.

Муборак янада кўпроқ мах-сулот ишлаб чиқариш учун жонбозлик қилди. Унинг кўп-роқлари натижасида ишлаб чи-қарилаётган махсулот ҳажми-ни ҳисса олди. Цехда илгари бир ойда 12 наमत тайер-ланган бўлса, кейинчалик бу 42 донага етди.

Заод маъмурияти ташаб-бускор қизни шу пехта мастер

қилиб тайинлади. Муборак Ус-монова аҳд коллектив ўртаси-да аста-секин муносив оёру қо-зона борди. Ииллар ўтди. У цех бошлиғи бўлди. Меҳнатсе-вар тез орада эл оғзига тушди.

У шаҳар Советида уч марта депутат қилиб сайланди.

Шундан сўнг Муборак бош-киимлар пехта мастер бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам меҳнат унум-дорлигини ошириш йўлида ғайрат билан ишлаб, завод маъмуриятининг ишончини оқ-ламоқда.

У цех коллективини доимо сифатли махсулот тайерлашга ундайди. Шу туфайли цех иш-чилари заводида илгорлар са-фидан ўрин олиб келмоқдалар. Махсулот сифати олий сайин ях-шиланимоқда. Эриштиётган бу ютуқларда Усмоновнинг хиз-мати катта.

Шу кунларда цех коллек-тив беш йиллиқнинг учинчи йили топириқларини муддати-дан илгари адо этинг учун Ҳим-мат кўрсатиб ишламоқда.

О. НИЗОВ.

ПЎЛАТ НАРВОНЛАР

Беш йилликнинг иккинчи ярмига ҳам қадар қўйди. Унинг биринчи ярми қўйди бўлди. Совет кишилари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида янги марраларни бағалашди.

Шу давр ичида Тошкентимиз деярлик қайта қурилди. Янги шаҳарчалар пайдо бўлди. Пойтахтимиз санат корхоналарининг қуввати ошди, янги ва сифатли маҳсулотлари билан чет элларга танилди. Янги темир йўл шохобчалари пайдо бўлди, поездлар ҳаракати тезланди.

Биз бу талаблардан ниҳоятда хурсандимиз. Баҳолироқ беш йилликнинг юқоридаги пешқадам қилиб олиб, манзилларга ўз вақтида етказишга ҳаракат қилаемиз. Умуман олганда, бугун кечатидан, эртага бутунгидан самаралироқ ишлаш. Зиммамиздаги бу вазифанинг тўла уйдасидан чиқиш

Учун ҳамма имкониятларни ишга солимоқдамиз.

Юқоридаги ортин, туширишда механизация кучидан тўлароқ фойдаланишга, вагонларнинг бўш туришини камайтиришга айтилаётимиз. Шунинг учун ҳам ўтган етти ойда юк ортин платформани анча зиёда билан бажардик.

Ўтган ярим йилликда юкларни саралаш топириши 103,2 процент, экспедиция операциялари ҳамки 103,9 процент, контейнерларга юк ортин 103,2 процент, контейнерларни юкдан бўштириш пани 106 процент, оғирлик бажарилиди. Ўтган йилнинг шу вақтидаги қараганда юклар 7,4 процент,

саралаш 6,4 процент кўп бўлди. Меҳнат унумдорлиги 10,8 процент ўсди. Ишмизнинг самараси чакки бўлмапти. Анчагина ютуқларни қўлга киритдик.

Бу йил амалга оширилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар меҳнатда шундай муваффақиятларга эришимизга, салмоқли ёрдам берди. Стрелкаларни бошқариш марказлаштирилди. Бу билан стрелкаларни бошқаришда кўп кучи ишлатишга хотима берилди. Бу чора туфайли 74 киши бошқа ишларга ўтказилди. Унинг фойдаси жуда катта. Стрелкаларни пулдан бошқаришдек мурак

каб иш навбатчиларимиз томонидан яхши ўзлаштирилган, бу янгиликнинг натижаси анида баракка бўлади.

Биз юқоридаги қабул қилиш, юқоридаги қабул қилиш ва туширишда ҳамда вагонлардан унумли фойдаланиш йўлида янги-янги прогрессив методларни қўллаш учун доим излашмоқдамиз. Бунга жуда кўп миқдорда келтириш мумкин.

Масалан, ҳозир иттифоқдош республикалар «Воздух» маркази ҳолодликларни қўллаб олишати. Бир вагонга 54 тадан ҳолодликлик юқоларди. Ишчи-хизматчиларимиз ихота ишларини мустақамроқ қилиб, вагонга икки қатор юқолар, де

ган таклиф қилишди. Завод маъмуриятига бу ҳақда айтилди, уларга ҳам маъмул тўшди. Бу — июль ойининг ўзидики 18 та вагонни тежаб қўлиш имконини берди.

Худди шунга ўхшаш яна бир тадбир кўрдик. Газ аппаратларини вагонларга бир қаторда териларди. Уларни уч қатор териб, жуъатишни йўлга қўйдик. Бу ҳам катта фойда берилди.

Яқиндан бошлаб яна бир янги усулни қўллаб бошладик. Масалан, бир оила кучиб кетаяпти дейлик. Ўзгача бўлмаган машинага ортин, темир йўлга келтириш анча машаққатли. Биз қўллаётган тадбирга

мувофиқ, кўчиб келётган киши товар станциясига келиб, тегишли пунктга учрайди. Келтирилган киши машина кўрсатилган адресга бориб, юқорда контейнерларга жойланади ва контейнерлар белгиланган мақсадга элтиб берилади.

Булар — ҳалққа намунали хизмат кўрсатиш борасидаги ишларимизнинг айримлари. Бундан кейин ҳам ана шундай янги ва прогрессив хизмат кўрсатишнинг янги усулларини қўллашда давом этамиз.

Бундан бир ой муқаддам станцияда қувончли воқеа юз берди. 1 июлдан бошлаб планлаштириш ва иқтисоди раёбатлаштиришнинг янги усу

лига ўтдик. Бу тадбир ҳам фойдалигимиз кўрсаткичларининг янада яхшиланишига ёрдам берди, алоҳида.

Коллективимиз йил бошидан планлаштириш тақдирини юз минг сумликдан ортиқ, иш қилиб, бундан вагон тузувчилардан М. Раҳимов, Т. Раҳимов, В. Музаев, тарозиборлардан М. Шумаров, М. Раҳимов, Қ. Коварова ўртоқлар пешқадамлик қилиш

Станциямиз коллективи йиллик топириш 25 декабрда бажариш ҳақида ваъда берган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун баракани меҳнат қилмоқдалар.

Р. АБДУВАХОБОВ,

Тошкент товар станцияси партия ташкилотининг секретари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Ё. С. НАСРИДДИНОВА ЯПОНИЯДА

ТОКИО, 7 август. (ТАСС). Япония парламенти вакиллари палатасининг раиси Миндзиро Иси ва маслаҳатчилар палата-

сининг раиси Юдзо Сигэмура Японияда туристик сафарда бўлган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбо-

сари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддиновани бутун қабул қилдилар.

АМЕРИКА ОЛИМИ ЎЗБЕКИСТОННИ «ОЧМОҚДА»

Американинг гидродинамика соҳасидаги танили мутахассиси, Мерилэнд университетининг профессори Жон Виске Ўзбекистоннинг меҳмони бўлди. У, республикамизга келишдан аввал СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ўз ҳамкасбларининг фаолияти билан узоқ вақт танишди.

Жон Виске ўз таассуротларини Ўзбекистон Телеграф агентлиги мухбирларига таъриф берар экан, Совет Иттифоқида илмий тадқиқотлар кенг кўлаб ёлганлигини хайратда қолганлигини ифшо этди.

— Новостириска, — деди меҳмон, — жаҳонга донги кетган олимларни учратдик. Улар жуда катта территорияларда табиати

Уларнинг олиб борган тадқиқот ишлари натижалари улкан электростанцияларда амалга оширилмоқда, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши учун ажойиб истибқоллар очиб бермоқда. Мен Ўзбекистонда ҳам илмий тафаккур шу қадар кенг кўлаб ёлганлигини, фан практика билан шу қадар chambarka алоқада эканлигини кўрдим. Бир вақтлар менга Ўрта Осиёнинг мана шу қисми ривожланишида қотиб қолган, бу ерда музликлар ва йўқини дарёлар бўлиши билан сув етишмаслик оқсига катта-катта ерлар бўш ётганлигини айтишган эди. Хозирда эса, бутунлай бошқача манзарани кўрдим. Тошкент олимлари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш тўғриси-

да, дадил илмий лойиҳалар тузди. Бундан ташқари янги деҳқончилик районлари тўғрисида гапириб, мени хайратда қолдиришди.

Жон Виске Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг ишга юксак баҳо берди.

— Мен бу йirik илмий марказда кўпгина олимлар ўзбек бўлганлигига катта эътибор бердим, — деди у. — Ҳали яқиндаги Ўзбекистонда умуман олий ўқув юрларининг йил бўлмаганлигига ишонингиз келмайди. Ҳаммасини олиб қараганда Ўзбекистон миллий мутахассис кадрлар тайёрлашда ажойиб муваффақиятларга эришган.

АГРЕССОР РАЁБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 7 август. (ТАСС). Америкадаги «америк-араб муносабатлари Комитети» Жамоатчилик ташкилотининг президенти Жонсонга йўллаган телеграммаларда, америк-араб ҳукумати Исроилга «Ф-4 фантом» самолётлари етказиб бериш ниятида эканлиги Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессиясини ялғитдан раёбатлантириши, дейилди.

АҚШ билан Исроил ўртасида Исроилга «Ф-4 фантом» типидан 50 самолёт сотиш тўғрисида шикҳон музокаралар олиб борилаётди. Бундан аввал пентагон Исроилга «Хок» типидан яна 100 та ракета сотиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу ракетага қўшма ишлатилар Исроилга илгари етказиб берган 300 ракетага қўшимчадир.

ҚАСДАН ҚИЛАНГАН ИҒВОГАРИК

АММОН, 7 август. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иорданияга қарши яна бир иғвогарлик қилди. Шу билан Тель-авивдаги урушчилар 4 августдан бери бошлаган марта агрессия ҳаракат қилдилар. 4 августда Исроил авиацияси Иорданиянинг тинч Ассалт шахрини бомбарлаш ташлаб вайрон қилиш ниятида тинч аҳолидан кўп киши ўлган эди.

Иордания армиясининг вакили Аммонда айтган гапларига қараганда, кеча эрталаб Исроил қўшинлари пулемётлардан, миномётлардан ва танклардан Иордан дарёси водийсининг шикҳон қисмидаги Иордания позицияларига ўт очиб, Акрабадеган жойга аниққа қаттиқ ўт

ёғдирганлар. Бу ҳужум 1967 йил июнь ойида Суриядан тортиб олинган Голан тепалигидан қилинган. Вакил Иордания қўшинлари ҳам жавоб ўти очганлигини таъминлади. Икки соат давом этган отишма натижасида Иордания томони талафот бергани йўқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши кеча Иорданиянинг Ассалт шахрига Исроил ваҳшине ҳужум қилганлиги хусусидаги шикҳонли муҳокама қилган мажлиси бошланг деб турган пайтда Исроил ана шу янги иғвогарлик ҳаракати қилганлигини Иордания пойтахтидагилар таъкидламоқдалар.

ДАДИЛ ОПЕРАЦИЯ

НЬЮ-ЙОРК, 7 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ва танпарварлари Меонг дарёси дельтасида Америка қўшинлари ва Сайгон армиясига қарши уруш ҳаракатларини муваффақият билан давом эттирмоқдалар. Юнайтед Пресс интервюи агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, бугун эрталаб Жанубий Вьетнам партизанлари Сайгондан 24 километр нарида жойлашган Бен Лук аҳоли яшайдиган пункт

яқинида Шарқий Вайко дарёси орқали ташланган понтон кўприкни портлатганлар.

Жанубий Вьетнам партизанлари 30 июнда темир-бетон кўприкни портлатиб юборганлардан сўнг ана шу понтон кўприк ташланган эди. Портлатилган кўприк Меонг дарёси дельтаси райони билан Жанубий Вьетнам пойтахтини боғловчи асосий транспорт артерияси бўлиб У-стратегик йўлда эди.

ҲИНДИСТОНДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕХЛИ, 7 август. (ТАСС). Бу йил Ҳиндистоннинг баъзи районларида шу қадар кучли муссон ёмғирлари ёғдики, сўнгги 50 йил мобайнида мамлакатда ҳеч қачон бу қадар кўп ёмғирчилик бўлмаган эди. Гарбий Бенгалия штатидаги сув тошқини натижасида 2600 квадрат километр территория сув остида қолди, 800 минг киши бирон бир даражада азият чекди. Қуруқликдан ажраллиб қолган икки минг қишлоқнинг аҳолисига ҳарбий қисмлар моторли қайиқ

ларда ёрдам бермоқдалар. Бир неча киши қўриб қолган.

Тапти дарёсига келиб қўйилган ёмғир сувлари катта тошқин бўлишича ва Сураат шаҳридаги кўпгина районларнинг фарқ бўлишига сабаб бўлди. Ҳиндистон армиясининг солдатлари бу районида қўтқарув ишлари олиб боришда муваффақият қозонди.

Пулни олишти олинганлар, нега қурилиш битказмай кетиб қолдирилди? Қурилиш раҳбарлари бундан келмади. Дарров баҳона ўйлаб топишди.

— Ҳозирча шикҳонимиз йўқ. — Ундай бўлса оқлаб, устиги ёпиб берсанлар бўлмайми?

— Вақтимиз йўқ. Бошқа объектда иш қиламиз...

Шу гап-сўзлардан ҳамада нарсаси равшан. Қишлоқ марказида қад қўтарган клуб биноси яқин орада битмайди. Фойдаланишга топшириш муддатини қурилиш раҳбарларининг ўзлари ҳам аниқ билишмайди. Шундай бўлган, 3-ушастка маркази — Қизона қишлоғидан клуб қурилишга қачон киришнилади, ва қачон тамом бўлади?

Шу йил 3 январда қолхоз правлениси қолхозларга қурилиш ташкилоти билан яна бир шартнома тузди. Шунга қўра минерал ўғит сақлайдиган омбор, яна бир қанча турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Лекин, бу объектларнинг биронтасида ҳам ҳозиргача иш бошлангани йўқ. Ажратилган 72 минг сўм пул сарфланмай турибди.

— Ҳар йили, — дейди қолхоз раиси Абдуразақ Тоқиев, — қурилиш ишларини ривожлантириш учун қўлаб маблағ ажратиб, уни қолхозларга қурилиш ташкилотининг ҳисобига ўтказамиз. Пулимизни олишда қўзулқ қилиб олишадик, аммо ишлашга келганда ўзларини сояга уришди.

ЯПОНИЯДА ЭНЦЕФАЛИТ КАСАЛЛИГИ ТАРҚАЛДИ

ТОКИО, 7 август. (ТАСС). Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги мамлакат жанубий қисмидаги сакэцита префектурани бутун энцефалит (бош миёнини ялғиланиши) касаллигини тарқатган районлар, деб эълон қилди.

Шу кунга қадар маъмур районларда 151 киши энцефалит касаллиги билан оғирганлиги кайд қилинди, шулардан 49 киши ўлди. Ўтган йили энцефалит дардига муғалаб бўлган 513 кишидан 127 киши ўлган эди.

Министрликнинг ахборотида айтилишича, бу йил кушхоналарда кестириладиган жамини қўчқарларнинг 90 проценти энцефалит касаллигига чалинганлиги маълум бўлди.



София. IX Бутун жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалида. Суратда: ГДР делегатлари Сулай ёшлари билан суҳбатда.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ДЕХЛИДА

ДЕХЛИ, 7 август. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов бошчилигидаги совет делегацияси бугун Деҳлида келди. Делегация ЮНЕСКОнинг 9 августда шу ерда очилган Осие мамлакатларини ривожлантиришда техникадан фойдаланиш масаласига бағишланган конференциясида қатнашади.

ВЭНС ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 7 август. (ТАСС). ВДР вакиллари билан Парижда ўтказилган расмий суҳбатларда Америка делегацияси бошчилигини ўринбосари Сайрус Вэнс давлат секретари Ракс билан учрашмоқ учун кела Вашингтонга келди. Вэнс Парижда ўтказилган суҳбатлар тўғрисида мухбирларнинг берган саволларига жавоб қайтаришдан бош тортиди.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИНИНГ ХРОНИКАСИ

УЛАН-БАТОР, 6 август. (ТАСС). Моңғолия агентлиги хабар бериб: Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар сув ҳўжалиги орқали раҳбарларнинг 12-мажлиси бугун Улан-Баторда тамом бўлди.

Мажлисда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монғолия, Поляна, Совет Иттифоқи ва Чехословачия вакиллари қатнашдилар.

Бу ерда эълон қилинган ахборотда айтилишича, ўз иккинчи мажлисида сув ҳўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари планларини мувофиқлаштиришга доир масалалар ва шу соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайтиришга доир бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Кенгаш, дейилганда ахборотда, тўла ҳамжиҳатлик, қардошларча ҳамкорлик ва дўстлик ваъдасида ўтди.



ЮҚОРИ Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» қолхози боғларида мўл узум ҳосили тишиб етилди. Суратда: бригада бошлиғи С. Абдураҳмонов узумларини қўздан кечирмоқда. Х. Хўжаевнинг фотоси.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ ХУСУСИДА

Гул қишлоғидан қайтиб келганда бери Қарим ота ўй ўйлайди. Қишлоқ қишлоқ баъзан ўз тугилиб ўсган Мовут қишлоғини таққослаб қўради. Икки қишлоқ аҳолисининг касбикори бир хил. Пахта, қаноп эди. Тушайтган қармоқда ҳам эди. Телевизор бўлмаган, газ олмаган қондон йўқ ҳисоби.

Лекин, қишлоғида маънавият икки қишлоқда тафовут ер билан осмонга. Бирини обод, иккинчиси қуримсиз.

Ўтган йили Қарим отанинг уйи рўйрасидан катта майдон текинлаб, клуб қурилиши бошланган эди.

Биз қурилиш муддатидан олдин тамомлайми, клубнинг қўрам залига келиб, лекция эшитадиган, мириқиб кино қўрайдиган вақтлар узоқ эмас, — деб қолхозчиларни ишонтирган эди. проораб Ким Тимофеев ўшанда.

Афсуски, проораб кўпчиликнинг қўйишга пуч ёнғонга тўлдирилган эди. Орадан кўп ўтмай қурилиш тақатга тўхтади қорди. Кечқурун проораб қурилиш майдонига келиб, қурувчиларни ҳам-уларнинг асосб-ўсқуналарини ҳам олиб қўздан топиб бўлди. Мана бир йилки, проорабдан ҳам, дўрақорлардан ҳам дарак йўқ. Пилиш ишлардан қад қўтарган клуб биноси эса кенг майдонда икка ўзи қайқайиб турибди. Унинг на эшиги, на ойна-ромлари бор. Бундай қўрилиш аҳоли Қарим отага ўхшаган қишлоқ жонқуярларини ташвишга солмоқда.

Яқинда қолхоздан қурилиш идорасига телефон қилинди. Қолхозларга қурилиш ташкилотининг бошлиғи Нурбой Мўхаммадқулов ва проораб Ким Тимофеев билан бирин-кетин гаплашди.

Пулни олишти олинганлар, нега қурилиш битказмай кетиб қолдирилди? Қурилиш раҳбарлари бундан келмади. Дарров баҳона ўйлаб топишди.

— Ҳозирча шикҳонимиз йўқ. — Ундай бўлса оқлаб, устиги ёпиб берсанлар бўлмайми?

— Вақтимиз йўқ. Бошқа объектда иш қиламиз...

Шу гап-сўзлардан ҳамада нарсаси равшан. Қишлоқ марказида қад қўтарган клуб биноси яқин орада битмайди. Фойдаланишга топшириш муддатини қурилиш раҳбарларининг ўзлари ҳам аниқ билишмайди. Шундай бўлган, 3-ушастка маркази — Қизона қишлоғидан клуб қурилишга қачон киришнилади, ва қачон тамом бўлади?

Шу йил 3 январда қолхоз правлениси қолхозларга қурилиш ташкилоти билан яна бир шартнома тузди. Шунга қўра минерал ўғит сақлайдиган омбор, яна бир қанча турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Лекин, бу объектларнинг биронтасида ҳам ҳозиргача иш бошлангани йўқ. Ажратилган 72 минг сўм пул сарфланмай турибди.

— Ҳар йили, — дейди қолхоз раиси Абдуразақ Тоқиев, — қурилиш ишларини ривожлантириш учун қўлаб маблағ ажратиб, уни қолхозларга қурилиш ташкилотининг ҳисобига ўтказамиз. Пулимизни олишда қўзулқ қилиб олишадик, аммо ишлашга келганда ўзларини сояга уришди.

Ҳақиқатан ҳам қурилиш ташкилоти бирон иш қилса, доимо қўнғил гапчиқ бўлади. Бундан уқ-тўрт йил олдин қурувчилар қолхозда ҳар бири уч хонали бўлган 23 та турар-жой биноси ва 140 болада мўлкалланган икка қарат-ли. боча қуришди. Аммо, қурилиш ишлари ниҳоятда сифатсиз бақарилиди. Қўл жойлари чалама-чатилишча қилиб кетди. Ҳамон ишчи таъмирлари, водопровод системаси битказилмаган.

Ушш қолхознинг ўзида ички резервлардан қандай фойдаланилган? Қонқарсиз. Қолхоз қурилиш бригадасининг иши талабга жавоб бермайди. Бинокорлик материаллари таъхил. Ташаббускорлик етишмайди. Қолхоз правленисини ҳам, партия ташкилотини ҳам бу нуқсонлар ташвишга солмайди. Ҳамон телефонбозлик қолхозбозликка эъри берилипти.

Фактларга бир мураккаб қилайлик. Шу йилнинг май ойида правленининг бир қарори чиқди. Унда 3-ушастканинг 9-бригадасида дала шийпонини қуриш айтилган эди. Ана шундан бери орадан уч ой вақт ўтди. Ким келса, шийпон қуриш ҳақида қароримиз бор, деб

айтишадик-ку, аммо қарорни бажаришга келганда қолхоз раҳбарлари чинакамга бош қўшимайпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, қолхоз правленисининг аъзоси, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тен Николой жуда бепарво одам экан. Унда ташаббус ва ташкилотчилик сезилмайпти. Шунинг учун дала шийполари қуриш учун тўғри, хатто наъзулария ташаббус солиб, ишмизни қилиб қуришга ҳам эътибор бермапти.

Ким йил башлоғи биринчи, Қаршай Қосимов бошлиқ 8-бригада-ларнинг дала шийполари мутлақо талабга жавоб бермайди. Дала шийполари ўғит солинадиган омборхоналарга айлантириб қўйилган. Партия ташкилоти қолхоз марказига асосий эътибор бериб, участкалардаги қишлоқларни ва дала шийпонларини яхшилашни унутиб қўйган.

Қўразмали агитация — унутилган соҳалардан бири. Унутилган, раббий ташкилотчилар, агитаторлар билан системали равишда иш олиб борилапти.

Редакцияга келган шикҳот хатиди қишлоқларда кинофильмлар амойиш қилинмаётганлиги қўрсатилган эди. Бунга қолхоз раҳбарларига айтдик. Улар дарҳол ҳозиржавоблик қилишди. Район кинолаштириш бўлими билан шартнома тузиб, ҳар ойда тўрт мартадан кинофильмлар кўрсатиладир, дейишди.

Биз шунда улардан, кинофильмлар кўрсатилган жойлар борми, деб сўрадик. Улар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб олишга, тўғри келган жойда қўриша беришда, деб жавоб қайтаришди. Қишлоқларда борадада бу факт яна ҳам ойдинлашди. Қўйишча участкасида кино дўкон

қилибди. Қизонада эса очик кўчада кўрсатилади экан. Бу жойларда қолхоз раҳбарлари айтганидек, ойдаги тўрт марта эмас, уч ой ичиди атиги бир марта кинофильм кўрсатилди.

Шикҳот хатига участка ва бригадаларни телефонлаштириш унутиб қўйилганлиги қўрсатилган эди. Бунга ҳам правление аъзолари тан олмайди. Ҳазарини ойна чинақиб, райот алоқа бўлими ҳодимларини айтишди.

Агар ҳаракат қилинганда, талабчанлик қучайтирилганда борми, бундай ишлар ўзла-қўзда қилиб кетмаган бўлар эди. Правление аъзолари ва партия ташкилоти секретари номига таъкидлик сўзлар айтилмасди. Ахир далада ишлаётганлар учун берча / шарт-шароитларни яратиб бериш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас ба олимпиаб бурчи-ку!

Редакцияга ёзилган шикҳот хатига «Хў ишон, хў ишонча» деб сарлавҳа қўйилган. Унинг тегига Тўхта Бузриков нима чеккан. Хатда биз аниқлаган камчиликлар тўла ва оқиб айтилган, жаҳд, кек билан ёзилганлиги сезилиб туради. Патнжада бир қанча ноиниқликларга йўл қўйилган. Бузриков партия аъзолисига каядидат. Шундай экан, қўртан-билгаларини синчиқлаиб чўчуқ ўйлаб ёганда яна ҳам яхши бўлар эди. У қолхоздаги ҳамма пахта майдонига чигит авазлар-уялаб экиланганлиги билан бекор экан. Шунинг учун ҳам унинг эҳти, ва қўндаланинга ишлов берил

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Яхши ҳордиқ — баракати меҳнат гаровидир. Қайси бир корхонада ишчиларнинг яхши дам олиши ва саломатлиги афзолида кўпроқ таъмир-қурилиш, яхшироқ меҳнат ҳам унвони бўлади.

Тошкентдаги «Узбекхлопком» заводи маъмурияти, партия ва касба-саноат ташкилоти бу борада иборатли ишлар қилмоқда.

Шанба кунини Тонг анди ёришган бўлишига қарамай завод ҳовлисида ишчилар билан гавжум. Ошнинг олдига катор автобуслар сафарга тайёр бўлиб турибди. Бутун 6-поҳ ишчиларидан 250 киши ўз бола-чақалари билан Тошкент денгизига

дам олгани кетишарди. Зилол суви Тошкент денгизига нечта кунгилди ҳордиқ чинарған машиналар яна автобусларга ўтириб шаҳарга йўл бўлилар. Улар сайдан жуда мамнун бўлиб қайтишди.

Завод ишчиларидан 250—300 киши ҳар шанба, якшанба кунлари шаҳар атрофидан турли соя-салқин, хуштабаит оромгоҳларга саёҳатларга чиқмоқдалар.

— Биз шанба, якшанба кунларимизни жуда кунгилди ва хушчақчақ ўтказаямиз. Завод маъмурияти бунинг учун бутун имкониятларни яратиб бермоқда, — дейишди ишчилардан Н.

Романов, С. Носов, С. Саломов, В. Зоиловлар...

Яна пушис қувончлики, дам олувчилар учун кўма ошхона ҳам ташкил қилинган. Унда ишчилар талаби билан турли иссиқ овқатлар тайёрланади, совуқ ичимликлар, озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи махсус буфет ҳам намунали хизмат қилмоқда.

Яхши дам кишини бардам қилади, руҳини кўтарди. Шунинг туфайли ҳам ишчилар маданий ҳордиқ чинарған қайтган, баракати меҳнат қилмоқдалар. Завод ойлук, квартал плавларини мунтазам ошириб бажармоқда. С. СУЛТОНОВ.

МАРШРУТ: ИССИҚКҮЛ

Тошкент аскаватор заводида отпускига чиқётганлар учун Иссиқкўл ҳордиқ чинарған жуда манзур бўлмоқда. Бу корхонада ишчилардан қарийб ҳар беш кишидан бири ёзги отпускинни шу ажойиб кўл соҳилида ўтказди.

6 августда шу мавсумдаги сўнгги отпускинчилар группаси заводдан Иссиқкўлга жўнаб кетди. Булар орасида слесарь А. Федосов рафинери ва болалари билан, техника адабиятлари кутубхонасининг мудираси С. Исакова киши билан, мастер В. Фролов ва болалар билан. Жами 200 киши жўнаб кетди.

Бу йил ёзда Иссиқкўлда 150 га яқин машинасиз ҳордиқ чинарған. Улар нархи 40 сўм, турадиган йўллар билан заводнинг «Экскаваторчи» дам олиш уйида 24 кун ҳордиқ чинарғанлар. Корхона ишчилари Ўзбекистон «дегизи» бўлида ҳордиқ чинарғандан жуда мамнун бўлишди. Дам олиш уйидаги қайиқ станцияси, ёзлик кино-театр отпускинчиларга хизмат қилмоқда. (ЎЗТАИ).

Спорт

● **ФУТБОЛ.** Мамлакат чемпионлиги Киевнинг «Динамо» футболчилари Голландиянинг Гаага шаҳрида АДО командаси билан ҳалқдор ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Совет футболчилари йирик ҳисоб билан мағлубиятга учрадилар. Улар Голландия футболчиларининг бешта тўпига атиги битта (Паркули) тўп билан жавоб қайтардилар, ҳалос.

● **ШАХМАТ.** Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар В. Корчной билан Б. Спаский ўртасидаги финал ўйини 3 сентябрда Киев шаҳрида бошланди. Рақиблар ана шундай қарорга келишди. Давогарлар 12 марта ўрашди. 6,5 очко тўплаган томон жаҳон чемпиони Т. Петросян билан шахмат тоқи учун беллашди. Агар 12 ўрашувдан кейин, ҳисоб 6:6 бўлиб қолса, бир томон талаба қоронғича 8 партия ўйналади.

● **ОТ СПОРТИ.** Наманганда республикамизнинг энг кучли чавандозлари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Тошкент област командаси Наманган ва Бухоро спортчиларидан кейинги, учинчи ўринни эгаллади.

● **СУЗИШ.** Киев шаҳрида «Комсомолецкая правда» газетаси сўриғини учун ёшлар ўртасида бутуниттифок мусобақалари бўлди. Бунда тошкентлик В. Чуковина 100 метрга эркин усулда сузишда 1 минут 06,3 секунд натижа кўрсатиб биринчи ўринни олди. Бу айни вақтда Ўзбекистоннинг янги рекорди ҳамдир.

● **УҚ ОТИШ.** Москвада стеллага отиш бўйича СССР шахсий биринчилиги мусобақалари бўлди. Тошкентлик спорт мастери Е. Кондратов 300 мм калибрда 289 очко олиб учинчи ўринга чиқди ва бронза медал билан тақдирланди.

Черданцев массивида очилган бу китоб магазинида турли кателарни товарлари ҳамда юзлаб номдаги китобларни харид қилиш олимнингиз мумкин. Магазин озода, китоблар харидорларга қулай бўлиши деб прилавка устига дид билан териб қўйилган, сотувчилар ҳаммаша хушмуомиллада бўлишди. Суратда: савдо лавити.

Л. Глауберзон фотолари.



МИНГ УЛИМНИ ЕНГИБ...

Урушнинг дастлабки ойлари эди. Гитлерчилар катта талафотларга қарамай Киев, Чернигов, Брянска қараб келарди. Совет жангчилари она-Ватан тупроғининг ҳар бир қарич ерини жон бериб жон олиб ҳимоя қилардилар.

24 август кунин авиация штурм полкининг командир лейтенант Сергей Колибин жанговар тоширидан қайтиб келди. Унда дам олиш учун жавоб берилди. Лекин, ордан кўп ўтмай, лейтенант дам олиб ётган ерўлага мотоциклда икки жангчи етиб келди.

— Сизни зудлик билан команда пунктига чақиринишди. Лейтенантнинг дивизия командири, авиация генерал-майори Шевченко кўтиб олди.

— Ўртоқ Колибин, муҳим тошириқ бор. Мана бунга қараңг, — деди генерал учувчини хариға енига тақдир этар экан. — Мана бу — Окунинов аҳоли пунктига. Мана бу — Днепрнинг икки қирогини боғловчи кўприк. Ҳаво разведкачилари хабар беришча, бу йўлдан душман қўшинлари ва техникаси тўхтовсиз ҳаракат қилаяпти.

17:45 да кўприкни портлатиш керак. Қандай йўл билан бўлса ҳам бу тошириқни бажариш ва душман Днепр қирогига ўтишига йўл қўймайлик керак. Жу-да муҳим тошириқ. Янабуни-Гарбий фронт кўмондонлигининг буйруғи.

— Ҳаммаси тўшунарди, — деди Колибин.

Ордан бир неча минут ўтмасдан у ҳавога кўтарилди. Лейтенант билан бирга унинг дўсти, младший лейтенант Василий Оленник ҳам парвоз қилди.

Чернигов устини қуюқ тутун қамраб олган. Ниҳоят, самолёт қаноти остидан Окунинов — Остер йўлида узун лента бўлиб аста ҳаракат қилаётган душман танкларни, автомашиналарни ва бронетранспортерларни кўзга

ташланди. Тутунлар ортидан азам Днепр дареси ҳам кўринди. «Кўприкни портлатгандан кейин душман колоннасига ҳам ҳужум қилса бўлади, — ҳаёлидан ўтказди командир. — Бомбардир кўприкни портлатишга ишлатиш керак, реактив снарядларини эса душман устига ёғди-раман».

Днепрнинг чап соҳилига чиққан душман бу кутилмаган ҳужумдан саросимада қолди. Кўприк портлаш ҳаммаини ларзага келтирди. Бир неча машиналар ена бошладилар. Энди кўприкни портлатиш керак.

Колибин машинани горисотал ҳолатга келтириб, кўприк томон уза бошладилар. Нишонини тўғрилар экан, кўприкдан охида ўтиб бораётган машиналарга, тош йўлда кўтиб турган танкларга, гўптарга, гитлерчилар ўтириб олган юк машиналарига кўзи тушди. Унинг кўзи бехатир бомба ташлайдиган ричағи ушладди.

Мана мўлжалга бир неча метр қолди. Шунда бирдан портлаш эшитилди-ю, самолёт сил қилиб кетди. Аллаларса лоз этиб ёнди-ю. Колибин ҳеч нарсани кўролмай кўзини юмди. Кейин эса кабинани атиқч тутун қамраб олди. Сергей чаққонлик билан камарларини бўшатди. Оёғи увишгандай бўлди, лекин оғриқ сезмади.

Мана, кўприк ўртасига ҳам етиб келди. Сергей ричағини тортиди. Тўртта юз килограмм бомба пастга туғилди. Ёнгиллашган самолёт учувчига бир неча тўғат отандан бўлди. Лекин ер борган сари яқинлашарди.

Самолётдан сакраш мумкин, бунга ҳали вақт бор. Ўнга бурилиб, ёнаётган машинани ялангликка қўндирса ҳам бўлади. Лекин ҳар иккисини қилганда ҳам асир тушиши аниқ. «Нўн, бундай бўлишига йўл қўймайман, — катъий қарорга келди у. — Серёжа ўзининг ушла,

ўлимдан кўрм! Ўзлаган бўлсан, Гастелло сизгари жасорат кўрсатиб, ҳалок бўл!»

Учувчи самолётни душман машиналари колоннасига бурди. Ёнаётган самолёт дахшатиб ўтган гитлерчилар тушиб олган машина брезентларини сидириб кетарди. Кўп ўтмай кучди портлаш эшитилди. «НЛ-2» ўз йўлидаги барча «гов»ларни суириб кетди, кўлаб машиналарни ишдан чиқарди, ўнлаб фашистларини ҳалок этди.

С. Колибиннинг хотини Зина қора хат келганидан кейин қизчаси билан эрининг ҳалок бўлганига дош беролмас, қаттиқ азоб чекарди. Фронтга, Коли-

СОВЕТ КИШИНИНГ ХАРАКТЕРИ

бининг дўстларига мурожаат қилиб, эрининг ҳалокати тўғрисида батафсил ёзиб юборишларини илтимос қиларди.

Улар Зинага кўларидан келганча тасвир беришга уринишди. Полк командири майор Савченко ҳам Зинага хат ёзиб, дошорак Сергейнинг олимжонлигини таъкидлар, у билан полк учувчиларни ҳаммаси фахрланганини айтди.

«Сиз эриниңиз Сергей Иванович Колибиннинг вафоти ҳақида батафсил ёзиб юборишимизни сўрабсиз. Мен бу ҳақда Сизга хатда ёзган эдим. Яна ўша жасорат ҳақида батафсил хат ёзиб бериш керак. Бундан беш йил бузилди. Бир асирларнинг узун колоннаси аста ҳаракат қиларди. Сергей тўхтар, бироз дам олиб яна юрар, кўлтиқтайди суяниб борарди. Ўтириш мумини эмасди. Ўтирган ёки йиқилиб қолган асирини отиб ташлашарди. Бир қадам ҳам юришга мажбур қолмаган Сергей йиқилди. «Бўлди, тамом!» — ўйлади у. Сўнг те-варак-атрофга бонди, кучини бир ерга тўплаб пастдаги буталар орасига юмалади. Унинг кетига ҳеч ним тушмади. Душман

самолёт портлаганда кучли зарб уни йўлдан бир неча метр наридаги қуюқ ўтлар орасига улоқтиргайди.

Қаттиқ жароҳатланган, ярим жон учувчини гитлерчилар Житомир лагерига ҳайдаб кетаётган ҳарбий асирлар топиб олинди. Асирлар совет учувчини душманга қанчалик дахшат солганини ўз кўзлари билан кўрган эдилар. Улар С. Колибинни плашч-палаткада кўзларидан кўтариб, лагерга олиб боришди. У ерда асирлар орасида врачлар топилиди. Улар Колибин ҳаётини сақлаб қолди.

Кейинчалик С. Колибин бошқа совет ҳарбий асирлари билан бирга Германиядаги авиация заводида жўнатилди. Кўп ўтмай фашистлар заводида кўпуровчилик ишларини пайқаб қолди. Гоҳ машина мотори ишламай қолар, гоҳда винтлар буралмаган бўларди. Самолётни олиб кетишмоқчи ҳам бўлишди. Душман бу ишларда С. Колибиннинг ҳам қўли бор, деб уни ўлим лагерига жўнатди.

Вақт ўтиб боради. Фронт лагерга яқинлашиб келарди. Гитлерчилар асирларни ёппасига қира бошладилар. Ҳарбий асирларнинг катта бир группасини аллақерга ҳайдаб кетишди. Булар орасида Колибин ҳам бор эди.

Хўрланган, ҳолдан тойган, беом асирларнинг узун колоннаси аста ҳаракат қиларди. Сергей тўхтар, бироз дам олиб яна юрар, кўлтиқтайди суяниб борарди. Ўтириш мумини эмасди. Ўтирган ёки йиқилиб қолган асирини отиб ташлашарди. Бир қадам ҳам юришга мажбур қолмаган Сергей йиқилди. «Бўлди, тамом!» — ўйлади у. Сўнг те-варак-атрофга бонди, кучини бир ерга тўплаб пастдаги буталар орасига юмалади. Унинг кетига ҳеч ним тушмади. Душман

полкларда, боғларда гарк пишиқчилик. Деҳқон етиштирган ноз-неъматлар эл дастурхонини қўрма қилиб турибди. Ўзбек деҳқон ипсона тери тўқиб етиштирган махсусозини одамларга най-зур қилиш учун тилимай қурашди. Агар у шу мақсадга эриша олса чексиз қувонади. Мирзабой ота Жўраев Урта Чирчиқ районидан «Партия XXII съезди» колхозининг миришкор деҳқонларидан. У ишлаган поллида етиштирилган қовун-тарвузларнинг ҳаммаси ширин. Суратда: Мирзабой ота Жўраев.

Колхозда сабзавот экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бу соҳада Турдимат Маткаримов кўпчиликлан пажуна бўлиб меҳнат қилаётир. Иккинчи суратда: Т. Маткаримовнинг жўнатилган поллиларидан қўздан кечираётган йи. Зайнутдинов фотолари.

бир хил, ҳамма ундан миннатдор: — Фарзандларига қанчалар меҳрибон бўлсалар, коллективга ҳам шунчалар меҳрибон оламиз, — дейишди, — ишга жонқуяр, меҳнатқаш, билгаларини ҳеч қайсимиздан аямайдизлар. Шогирдлар шу ошхонамиздан турли-туман таомлар тайёрлаш йўллари ўрганиб қайтар экинлар, улар ҳаммадан олдин Ҳафиза оғат раҳмат айташди. Опа яратиб берган шарондан миннатдор бўлишарди.

Шундай. Ҳафиза Ҳолмуҳамедова устоз ошпаз. Унинг номини поғирдларни зўр муомал билан тила-га олишарди.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.

соҳиллари уни кўрмай қолмиш-ганди.

Бу 1945 йилнинг 20 апрелида бўлган эди. С. Колибин бутазорлар орасида дам олиб, Зинага келган, темир йўлни кесиб ўтди. Тезроқ юришга уринди. Иккинчи, яна туриб олдинга ошқарди. Кечаси билан йўл қорди. Ўрталлаб аланандай кичик бир станция олдида чириб қолди ва у ердаги саройда икки кун оянат ва сувсиз яшириниб ётди. Саройдан чиққанда тўсатдан кеска темир йўлчига дуч келди.

— Сени саройдалигини билардим. Рус бўлсанг керак, асирдан қочдингми? Қўрқма, айтиб бермайман. Тезда бу ерга совет солдатлари етиб келишарди. Менинг ҳам ўғлим бор эди. Узоқ Шарда... кўрадилар ҳалок бўлган, деб эшитаман.

Чол уни уйига тақдир этиб, бир бурда нон ва чой тўтқади. Сўнг ўрмонга бориладиган йўл бошига чиқариб қўйди. Колибин ўрмонда ўзимизникилар билан топишди.

Москвада врачлар бир ярим йил учувчи Сергей Колибин ҳаёти учун қурашди. Сўнгра учувчи оиласини ахтариб топди.

Ҳозир сойқ учувчи, коммунист Колибин «Москвелебторг» қурилиш конторасида инженер бўлиб ишлайпти. Уч марта ўлиб уч марта тирилган, Гастелло жасоратини такрорлаган бу қаҳрамон мард учувчи тез-тез маҳалларда, мактабларда, заводларда бўлиб туради. Ёшларга ота-ларимизнинг ажойиб жасоратлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

С. Колибиннинг урушдаги жасорати ва олийжаноб меҳнати муносиб тақдирланган. Унинг кўксини Ленин ордени беэза тўрибди.

В. ЛЮБИМОВ, запасадаги гвардия подполковник.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган ташикентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосарлари — 835883, 836232, Машъул сиретарь — 834808, Проплагианда, адабият ва санъат бўлими — 831936, Саноат, транспорт ва кўришни бўлими — 833785, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Қишлоқ қўжаллиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртилари бўлими — 839050, Халлар ва оммавий ишлар бўлими — 834046, Ўзлонлар бўлими — 838142, коммузатор — 830249 даи 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётиники босмахонаси Тошкент шаҳри

ИНДЕКС — 6469, Р. 02695. № 1923.

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган ташикентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосарлари — 835883, 836232, Машъул сиретарь — 834808, Проплагианда, адабият ва санъат бўлими — 831936, Саноат, транспорт ва кўришни бўлими — 833785, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Қишлоқ қўжаллиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртилари бўлими — 839050, Халлар ва оммавий ишлар бўлими — 834046, Ўзлонлар бўлими — 838142, коммузатор — 830249 даи 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётиники босмахонаси Тошкент шаҳри

ИНДЕКС — 6469, Р. 02695. № 1923.

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Биринчи ПРОГРАММА

18.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 19.00 — Ажойиб унрашувлар клуби, 19.30 — Телевикторина, 19.45 — Концерт, 20.40 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — Телевикторина, 21.00 — В. В. Маяковский В. И. Ленин (телекомпозиция), 21.50 — Август — ҳосла тўлаш ойн, 22.10 — Учинчи надам (бадий фильм).

Иккинчи ПРОГРАММА

13.00 даи — Москва кўрсатади, ТОШКЕНТ КЎРСАДАИ 19.00 — Старт саҳифалари (халқий оммабоп фильм), 20.00 даи — Москва кўрсатади, УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАДАИ 20.00 — И. Судманис кўчаси (телефильм).

Рус тилида: 20.30 — Давос музика (хўжонатли фильм), 20.50 — Олонки мамлакат санъати (кинофильм), 21.10 — Сизнинг ва ўзинингиз ёшларингиз учун (хўжонатли фильм), 22.05 — Штепсель Тарапунгани уйлантиради (бадий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VIII да Қизилоч, 10/VIII да Навоий Астрофода, 11/VIII да Гули снх, 12/VIII да Тошболта ошн.

КИНО

Иккинчи — САНЪАТ САРОНИ (қушдуз ва кечкўрун). Чингачу — катта илон — «ЭЗБЕКНИСТОН», «НАИКА», «ДРУЖБА» (1 ва 2 эълда), «МОСКВА» (қушдуз ва кечкўрун). Антигона — «ВОСТОК», «ЭЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГ» (қушдуз ва кечкўрун).

Деразанин қонқанда ёмғир ушамол — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қушдуз ва кечкўрун). Одам бир ерда қунаради — «МОСКВА» (кеч соат 9.40 минутда).

ЭЗБИНОДА Чингачу — катта илон — «ФЕСТИВАЛЬ».

Антигона — НАВОНИЙ номли. «Сатурннинг қули (1.2 сериялар)» — «ХИВА».

Изанин — ТЭЛМАН номли.

«ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КЎНИ» БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ 10 августдан 15 августгача ТОШКЕНТИНИ ВОСТОК, СПУТНИК, ФЕСТИВАЛЬ, ДРУЖБА, НАВОНИЙ номли, ПОЯВАЛЧИЛАР САРОНИ КИНОТЕАТРАЛарида спорт темасини ёритган бадий ва ҳужжатли фильмлар.

ФЕСТИВАЛИ УТКАЗИЛАДИ

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 9 августа

М. ҚОРИ-ЎҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Катнашадилар: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ДИЛОМОН ШЕРОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Комилжон БАРАТОВ, Ойхон ЁҚУБОВ, Рашид МУМИНОВ, Мунавар АҚОМОВА, Назрулла ЁҚУБОВ ва бошқалар.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Прогрессини — Назрулла ЁҚУБОВ олиб боради.

Концерт неч соат 8 яримда бошланади.

Вилетлар концерт зал кассасида қушдуз соат 2 даи, район кассаларида соат 12 даи сотилади.

ЎЗБЕКНИСТОН ССР А. НАВОНИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТА ТРАТРА

саҳна ишчилари, электр билан ёритувчилар, раҳбарлар, бутаброфлар, дурадофлар, экспедиторлар

КЕРАК Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28 уй.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЯНГИ БИНОДА қушдаги вазифаларда иш, лаш учун

ҳар хил ишчилар, саҳна ишчилари, бухгалтер, тасвир ишчилари, билет, тасвир ишчилари

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ Адрес: Уйғур кўчаси, 2-й, қанлар бўлими.

«Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Пайда Восток» кўчаси, 28 уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ